

2019

## The necessity of forming National statehood and it's mentality in the spiritual-moral and cultural development of society: methods and tools

Guzal Ochilova

*Karshi engineering-economic institute, temurbek.mixliyev@mail.ru*

Shakhlo Jumayeva

*Karshi engineering-economic institute*

Bakhrom Ochilov

*Toshkent Pediatric medical institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw>



Part of the [Arts and Humanities Commons](#)

---

### Recommended Citation

Ochilova, Guzal; Jumayeva, Shakhlo; and Ochilov, Bakhrom (2019) "The necessity of forming National statehood and it's mentality in the spiritual-moral and cultural development of society: methods and tools," *The Light of Islam*: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 10.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw/vol2019/iss2/10>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).

**Guzal OCHILOVA,**

*PhD, dosent in Karshi engineering-economic institute  
Address: Kashkadarya region, city of Karshi, Mustakillik  
225, postal code: 180100  
temurbek.mixliyev@mail.ru*

**Shakhlo JUMAYEVA,**

*teacher in Karshi engineering-economic institute  
Address: Kashkadarya region, city of Karshi, Mustakillik  
225, postal code: 180100*

**Bakhrom OCHILOV,**

*Teacher in Toshkent Pediatric medical  
Address: Bagishamal str.223 Yunusabad region,  
Toshkent city, Uzbekistan, postal code: 100140*

### ЖАМИЯТНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ВА МАДАНИЙ РИВОЖИДА МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИК ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЗАРУРИЯТИ: УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ

### НЕОБХОДИМОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ ГОСУДАРСТВЕННОСТИ И ЕЕ МЕНТАЛИТЕТА В ДУХОВНО- ПРАВСТВЕННОМ И КУЛЬТУРНОМ РАЗВИТИИ ОБЩЕСТВА: МЕТОДЫ И ИНСТРУМЕНТЫ

### THE NECESSITY OF FORMING NATIONAL STATEHOOD AND IT'S MENTALITY IN THE SPIRITUAL-MORAL AND CULTURAL DEVELOPMENT OF SOCIETY: METHODS AND TOOLS

**Калит сўзлар:** жамият, маънавият, маданият, инновация, давлат, миллий давлатчилик тафаккури, гоёвий таълим-тарбия, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, дин, эътиқод, миссионерлик, прозелитизм.

**Ключевые слова:** общество, духовность, культура, инновация, государство, национальное государственное мышление, учебно-воспитательная идеология, правовое сознание, правовая культура, религия, миссионерство, прозелитизм.

**Key words:** society, spirituality, culture, innovation, state, national state thinking, teaching and educational ideology, legal consciousness, legal culture, religion, missionary, proselytism.

Жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш ва шу асосдаги ишларни ташкил этиш

бугунги долзарб вазифадир. Чунки четдан бўлаётган ёт мафкуравий тажовузлар натижасида баъзи ёшлар онги ва тафаккурида чекланишлар, зарарли таъсирлар сезилмоқда, боқибегамлик, лоқайдлик аломатлари пайдо бўлиб, уларнинг бошқа оқимларга оғиб кетиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Буларнинг барчаси айрим ёшлар қалбида мустаҳкам эътиқод, онгида юксак дунёқараш шакланмаганлиги сабабли содир бўлмоқда. Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, ёшларни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлига сафарбар этиш учун уларнинг қалби ва онгида миллий давлатчилик тафаккурини ривожлантириш ва маънавий-маърифий иш усулларидан кенг фойдаланиш зарур. Бунга эса, ёш авлод қалби ва онгида қуйидаги маънавий-руҳий кўникмаларни шакллантириш орқали эришилади:

- маънавий-руҳий рағбатлантириш;
- миллий ғояга ишонтириш ва ғоявий иммунитетни шакллантириш;
- юксак эътиқодни шакллантириш;
- ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш;
- ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий ислохотларнинг моҳиятини чуқур англаб етиш ва фаол иштирок этишларига кўмаклашиш.

Ҳозирги глобаллашув даврида давлат ва миллат келажаги ягона, тақдири туташ эканлигини англаш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Жамиятда ички бирликни таъминлаш – мамлакатда яшаётган барча миллатларнинг умуммиллий манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятининг ошиши, фуқароларнинг миллий давлатчилик тафаккурига боғлиқ. Бунга истаганча мисоллар келтириш ва қиёслаш мумкин. Хусусан, К.Преображенскийнинг «Қандай қилиб япон бўлиш мумкин?» деган асаридан қуйидаги фикрларни келтирсак: «Американинг арзон, мўмай даромад келтирадиган молларини япон тижоратчиларидан бирортаси ҳам (агар у япон миллий бирлиги манфаатларига зид келса) олмайди. Жилмайиб туриб қатъиян воз кечди. Японияда ҳам бир-бири билан кескин рақобат олиб боровчи фирмалар бор. Бироқ Япониянинг умуммиллий манфаатларига дахлдор масалаларда уларнинг раҳбарлари бир лаҳзада, гина-кудуратни унутиб бирлашиб оладилар» [3;16 б.]. Бу миллий давлатчилик тафаккурининг нақадар юксаклигини ифодаловчи мисолдир. Япон ватанпарварлиги, миллий манфаатларини қадрлаш бу мамлакатда юз берган мўъжизага асосий маънавий замин бўлди.

Мақолада жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, фуқаролар онгида миллий давлатчилик тафаккури тараққиётининг гоъвий-тарбиявий хусусиятлари, усул ва воситалари ёритилган. Ҳозирги глобаллашув даврида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг ижобий ва салбий омиллари аниқлашиб, илмий-фалсафий таҳлили баён қилинган. Таълим-тарбия тизимида ёшлар дунёқарашини ривожлантиришга доир таклиф ва хулосалар берилган. Фуқаро-жамият-давлат муносабатларида уйғунликни шакллантиришнинг долзарб масалалари ёритилган.

Шунингдек, мамлакатда яшаётган турли миллатлар ўртасида бағрикенглик сиёсатини ривожлантириш, жамиятда миллий бирдамликни таъминлаш, умуммиллий маданиятни ва маънавиятни кучайтиришнинг зарур йўллари кўрсатилган. Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини ошириш, миллий давлатчилик тафаккурини ривожлантириш, маънавиятни юксалтириш йўлида кўплаб ислохотлар ўтказилаётганлиги ва илмий-амалий чора-тадбирларнинг таъсирчанлик хусусиятлари очиқ берилган. Жумладан, ёшларга муносиб таълим-тарбия беришда устоз-шоғирдик тизимларининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг аниқ вазифалари белгилаб олинган. Шарқ мутафаккирларининг ахлоқий қарашлари, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Ёшларга оид беш ташаббус лойиҳаси» дан келиб чиқиб, ёшлар онгида мафкуравий иммунитет ҳосил қилишнинг усуллари ёритилган.

Хуллас, маънавий-маърифий ишлар натижаларини сарҳисоб қилиб, эришилган ютуқ ва камчиликларни аниқлаб, таҳлил қилиш истиқболдаги вазифаларни аниқ белгилашнинг муҳим аҳамият касб этиши кўрсатилган.

В статье рассматриваются приоритетные направления и методы развития духовного, морального и культурного общества, нравственно-воспитательные свойства развития в сознании граждан мышления национальной государственности. Выявлены позитивные и негативные факторы современных событий глобализации, а также представлен научный и философский анализ. Даны предложения и выводы по развитию образования и воспитанию молодежи. Рассматриваются вопросы формирования гармонии в гражданском обществе и государственных отношениях. Также указана необходимость разработать политику толерантности среди разных наций, живущих в стране, обеспечить национальное единство в обществе и консолидировать национальную культуру и духовность. Раскрыты своеобразные стороны научных и практических мероприятий по повышению правосознания и культуры граждан в Узбекистане, развитию национальной государственности. В воспитании молодежи определены специфические особенности системы наставничества учеников и их отдельные задачи. Моральные идеи восточных мыслителей, «Проект пяти молодежных инициатив» Шавката Мирзиёева, отражают то, как идеологический иммунитет формируется в умах молодых людей. Таким образом, суммируя результаты духовно-просветительской работы, выявляя и анализируя достигнутые достижения и недостатки, важно четко определить будущие задачи.

The article discusses the priorities and methods of development of the spiritual, moral and cultural society, the moral and educational properties of development of national statehood thinking in the minds of citizens. The positive and negative factors of modern globalization events are revealed, and the scientific and philosophical analysis is presented. The proposals and conclusions on the development of education and youth education are given. The questions of the formation of harmony in civil society and state relations are considered. It also points to the need to develop a policy of tolerance among different nations living in the country, ensure national unity in society and consolidate national culture and spirituality.

The original aspects of scientific and practical measures to improve the legal awareness and culture of citizens in Uzbekistan, the development of national statehood are revealed. In the education of youth, the specific features of the system of mentoring students and their individual tasks are identified. The moral ideas of Oriental thinkers, "The project of five youth initiatives" by Shavkat Mirziyoyev, reflect how ideological immunity is formed in the minds of young people. Thus, summing up the results of spiritual and educational work, identifying and analyzing the achievements and shortcomings achieved, it is important to clearly define future tasks.

Шунингдек, Буюк Британия аҳолисининг миллий давлатчилик тафаккури хусусида ҳам фикр юритиш мумкин. Турк маърифатпарвари Зиё Кўкалнинг «Туркчилик асослари» китобидан қуйидаги фикрларни келтирсак: «Инглиз миллатининг маданий ахлоқида эътироф этамизки, ватаний ахлоқини кўп юксак билдик. Туркияда юзларча, ҳатто мингларча Ватан хоинларининг пайдо бўлишига қарам-қарши ўларок, бутун Буюк Британияда биронта Ватан хоини чиқмади. У ҳолда бизга маданий ахлоқ-

нинг юксалиши нимага яради? Кошки, бизда ҳам уларнинг ўрнига фақат ватаний ахлоқ («маънавий ахлоқ» назарда тутилган. – Г.О.) юксак бўлсайди!» [4;16,17 б.]. Шу жиҳатдан, миллий давлатчилик тафаккурини шакллантириш учун даставвал миллий бирдамликни кучайтириш, миллий маданиятимизни, маънавиятимизни кучайтириш зарур.

Ўзбекистонда ҳам маънавиятимизни юксалтириш йўлида кўплаб ислохотлар ўтказилмоқда. Бу ислохотларнинг моҳиятини тушуниш, вақтинча-

лик қийинчиликларни рўқач қилмай, уларни амалга оширишда фаол иштирок этиш ҳам кўп жиҳатдан фуқароларнинг тафаккурига боғлиқдир. Бинобарин, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган ислохотлар, мамлакатимизда яратилаётган имкониятлар, фаол инновацион ғоялар ва технологияларнинг жалб қилиниши бугунги кун сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб бермоқда. Жумладан, тарихимизга ва маънавий қадриятларимизга бўлаётган эътибор, иқтидорли ёшларнинг қобилиятини юзага чиқариш учун бўлаётган саъй-ҳаракатлар – республикамизнинг барча жойларида «Президент мактаби», «ал-Хоразмий мактаби», «Ҳадис мактаби» кабиларнинг очилиши истиқбол тараққиёти учун замин бўлмоқда. Зеро, президентимиз таъкидлаганларидек, «юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркин, тинч ва бадавлат умр кечириши, бугун ҳаётдан рози бўлиб яшаши – бизнинг бош мақсадимиздир. Бу йўналишда олдимизда улкан вазифалар турибди. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги биринчи навбатда ижтимоий соҳадаги ислохотларимиз самараси билан чамбарчас боғлиқ. Ёшларимизга муносиб таълим бериш, уларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқаришимиз керак» [1; 2 б.].

Шунингдек, Франция давлатининг ҳам тарихига назар ташласак, XX асрнинг 40–50 йилларида миллий давлатчилигини тиклаш, халқ фаровонлигини ошириш, фуқаролар тафаккурини юксалтириш, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш, ишчиларни илмий ихтиро киритишидан манфаатдор қилиш ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг асоси сифатида белгилаб олинган эди. Шу боис, Франция Ғарбий Европада энг йирик давлат, энг ривожланган мамлакатлар қаторига кирди. Француз саноатининг тараққиёти энг замонавий ва юқори технологияларга таянадиган бўлди. Пул бирлиги франк барқарор жаҳон валютасига айланди. Оддий ишчилар ишлаб чиқариш бошқарувида иштирок этиш билан бирга, корхона акцияларини сотиб олишга муваффақ бўлдилар. Иккинчи жаҳон урушидан Франция хасталанган иқтисод билан чиққан бўлсада, французлар ўз миллий ғурурига таяниб, мисли кўрилмаган ютуқларга эришдилар. Бунинг негизда Шарль Де Голлнинг «Миллат бир бўлмоғи лозим» шиори, Бешинчи Республика Президентининг ақл-заковати, фидойилиги ва довюрраклиги мамлакат юксалишининг бош омили бўлган эди [5;46 б.].

Француз давлати жамият ва давлат қурилишининг бош унсури сифатида асосий эътиборни французларнинг миллий онг ва миллий давлатчилик тафаккурига қаратди. Оддий кишилар оиласи ва меҳнат жойини «юррак даргоҳи» деб қабул қилишлари, мамлакат ва корхоналарнинг даромадларини кўпайтиришлари ўша даврда Франция юксалишининг асосини ташкил этди. Французча фаровонликка муносабат, «меҳнат ва бойлик бирлиги», иқтисодиётда бутун жамоа иштирокини таъминлаш, ижтимоий ўсиш ва аҳоли турмушини яхшилашнинг манбаи бўлди. Шу жиҳатдан, Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг «Ҳар бир инсон ҳар куни қиладиган ишини худди биринчи марта қиладигандек бажариши керак. Шундагина ишда ривожланиш, ўсиш бўлади», – деган фикрлари юқоридаги тарихий мисоллардан кўрилган истиқболли келажакни таъминлашга хизмат қилади [2;2 б.].

Шу ўринда айтиш жоизки, қайси мамлакат раҳбари халқ эътирофига сазовор бўлса, миллий маънавиятга асосланган ва оддий фуқаро тушунадиган мафқурани яратса, давлат бошқарувида қатъиятли ва талабчан бўлса, жамият учун фидокорона меҳнат қилса, ўша давлатда тараққиёт юксалади. Шу жиҳатдан олганда, ривожланиш борасида голлизм сиёсати билан республикамизнинг тараққиёт йўлида маълум ўхшашликлар мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон ҳам Франция сингари тадрижий ривожланишнинг эволюцион йўлини танлади. Иқтисодий ўсиш ва ижтимоий сиёсатда давлат «Бош ислохотчи» деб эълон қилинди ва бу фаровонликка эришиш воситаси, деб белгиланди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш жоизки, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш мамлакатимизнинг янгиланиши ва ривожланишида миллат фаровонлигини ошириш, жаҳоннинг энг янги ютуқларини ҳисобга олиб кадрларни тайёрлаш, ходимларнинг ўз меҳнатлари натижалари ва ишлаб чиқаришни ўстиришдан манфаатдорлигини рағбатлантиришда асосий омил бўлади. Одамлар ўз касбларининг ҳақиқий усталари бўлишлари ва ўз табиий ижодий ва интеллектуал қобилиятларини тўлиқ амалга оширишлари учун муҳит шакллантирилоқда. Фуқаролар иқтисодий фаолиятини давлат ва давлат идораларининг тазйиқидан мутлақо холи равишда амалга ошириши натижасида фуқаро ва давлат манфаатлари эркин, табиий уйғунлашмоқда. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидла-

ганларидек, «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган улугвор ғоянинг ҳаётга татбиқ этилиши фуқаролик жамиятининг ривожланишини, фуқароларнинг янада фаоллиги ўсишини таъминламоқда [2;3 б.].

Давлатимиз ички сиёсатининг етакчи принципларидан бири ҳам ҳар бир кишининг, корхонанинг, тармоқлар, минтақалар ва умуман давлатнинг манфаатларини монанд равишда уйғунлаштиришни таъминлашдан иборатдир. Бу уйғунлик қачонки фуқаро, жамият манфаатига мос келса, ҳақиқий бозор механизмлари қонуний ошқора амалга оширилса, фуқаролар онгида миллий давлатчилик тафаккури шаклланса, самарали амалга ошириш жараёнлари рўй беради ва ҳавас қиладиган натижаларга эришган Европа давлатлари, Япония ёки Жанубий Корея сингари мамлакатлар қаторидан жой олишда биз учун янги уфқ ва имкониятлар очади.

Бугунги кунда биз ёшлар онгида миллий давлатчилик тафаккурининг шаклланиши ва ривожланишини жиддий эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистонда маънавий-маърифий соҳадаги давлат сиёсатини жамиятда юксак маънавий муҳитни қарор топтиришга қаратаётганлигимиз бежиз эмас. Жамиятни маънавий-ахлоқий янгилаш миллий тараққиёт учун замин яратишга қолмай, балки унга куч бахшида этади. Муҳтарам президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 20 мартдаги «Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббус»лари ҳам ёшлар тафаккурини юксалтиришнинг маънавий асоси бўлиб хизмат қилади. Унда илгари сурилган ғоялардан келиб чиқиб, эътиборга олиш зарурки, талаба-ўқувчиларга янгиланаётган Ўзбекистоннинг маънавий-ахлоқий негизлари ҳақида тушунчалар бериб бориш, узлуксиз таълим-тарбия тизимида, тарғибот ва ташвиқот ишларида расмиятчиликка, тадбирбозликка чек қўйишимиз лозим. Шуни доим ёдимизда тутишимиз керакки, баландпарвоз, чиройли сўзлар, қуруқ маърузалар ҳар қандай ғояни обрўсизлантиради. Ёшлар билан тенг мулоқотга киришиш, уларнинг қалбларига халқчиллик, самият билан кириш, қаноатлантириш, мафкуравий курашлар даврида миллий ғоя ташвиқотини жанговар даражага кўтариш керак. Ёшлар ўртасида кенг амалий тадбирлар ўтказиш, рағбатлантириш муҳим.

Маълумки, илмий хулосаларга кўра, одамнинг хотирасида 90 % ҳолларда – ўзи бажарган иш, 50

% ҳолларда – кўргани ва 10 % ҳолларда – эшитгани сақланиб қолади. Демак, ёшлар тафаккурини шакллантиришда кўпроқ ўзлари бевосита иштирок этадиган амалий мафкуравий ишларга жалб қилишимиз керак. Бунинг учун тарғибот-ташвиқот ишларининг ранг-баранг, таъсирчан усулларини жорий қилиш, тарбия услубларини такомиллаштириб, замонавийлаштириб бориш зарур. Тарбиянинг ижтимоийлиги, тарихийлиги, умуминсоний ва миллий хусусиятлари ҳисобга олинishi керак. Маънавий-ахлоқий ишларда онгли интизом, масъулиятлилик, маданий хулқ, инсонпарварлик ҳисларини ҳамда фидойилик, қатъиятлилик фазилатларини тарбиялаш учун қуйидаги ишлар самарали натижа беради. Жумладан: «Ёш китобхонлар», «Ижодкор ўқувчи (талаба)лар», «Ёш қаламкашлар», «Истиқлол чечаклари», «Ёш мусаввирлар», «Она табиатнинг ҳимоячи ёшлари» каби кўрик-танловлар ва шунингдек, мақомчилик, бахшичилик каби йўналишларда «Ўзбекистон қўшиқ байрами», «Ёшлар бадиий ижодиёт фестивали» анжуманлари, темир йўллар орқали «Ватанимиз тарихини ўрганамиз» саёҳати, Буюк ипак йўли маршрути бўйича халқаро ёш велосайёҳлар мусобақаси ва бошқа тадбирларни ташкил этиш юқори таъсир кўрсатади. Бунинг таъсири ўлароқ, уларнинг давлатга бўлган ишончи, жамиятнинг фаол аъзосига айланиши, маънавий-маърифий ишларда ўзгалар фикрини ҳурмат қилган ҳолда далиллаш, ишонтириш, асослаш, мунозара олиб бориш маҳорати юксак бўлишини таъминлайди. Бу жараёнда жамоавий ижодий фаолият ҳам кучайтирилиб, маънавий-маърифий ишлар тақдироти, натижаларини сарҳисоб ва эълон қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, келажакда маънавий-маърифий ишлар истиқболни белгилашда муҳим рол ўйнайди. Тадбирларни амалга оширишда ёшларнинг маънавий эҳтиёжлари ва уларни шакллантирувчи омиллар ҳисобга олинishi керак. Шунда уларнинг ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларга қизиқиши ортади ва унинг фаол иштирокчисига айланади. Айниқса, ҳозирги даврда информацион хуружлар кучайган бир пайтда уларга қарши курашнинг шакли, мазмуни ва турларини ёшлар онгида маънавий-маърифий тадбирлар орқали шакллантириб борилса, адашиш ҳолларининг олди олинган бўлади. Зеро, ўзбўларчилик ва лоқайдлик, бепарволикка ташлаб қўйилса, бундай муҳитда ҳар қандай нохуш воқеалар юз бермайди деб, айтиб бўлмайди. Шундай экан, бугунги мустақил давлатимизнинг барқарор

гуллаб яшнаши, келажаги буюк бўлиши учун ҳар бир фуқаро онгида миллий давлатчилик тафаккури ривожланган бўлиши даркор.

Айниқса, ёшлар руҳиятининг ривожланиши ва камол топишида балоғат даври муҳим босқич ҳисобланади. Худди мана шу даврда оламга ҳам, муҳитга ҳам қизиқишлар кескин ортади. Берқарорлик белгилари намоён бўла бошлайди. Аксарият болаларга атрофдагилар уларни тушунмаётгандек ёки тушунишни истамаётгандек туюлади. Юриш-туришларида кескин ўзгаришлар юз беради. Ёшларни дуч келиши мумкин бўлган турли кўнгилсизликлардан асраш, маънавий камол топтириш учун улар руҳиятига вафо, бурч, виждон, ташаббускорлик, садокат, фаоллик, масъулият каби хислатларни турли маърифий усуллардан фойдаланган ҳолда синдириб бориш лозим. Бу борада маънавий-маърифий ишларнинг интерактив методларидан фойдаланиш яхши самара беради. Бунинг учун билим муҳим. Бунда фаол, ҳаётий позицияни шакллантирувчи усулларни қўллаш самара беради. Ёшларда лидер (сардорлик) сифатларини ҳамда жамоада ўз ўрнини топа олиш кўникма ва малакаларини шакллантириш зарур.

Ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни ташкил этишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги имкониятларидан фойдаланиш зарур. Мактаб, лицей, коллеж, институт ва университетларда мафкуравий тарбия изчилигини таъминлаш зарур. Мафкуравий тарбия ёшлар тарбиясида улўвор мақсад ва вазифаларни ўз олдига қўяди. Шунинг учун бу соҳадаги масъул ходимлар ўқувчи-талабаларни ғоявий ва мафкуравий тарбиялашнинг ўзига хос жиҳатлари, услуб ва воситалари, миллий ва хорижий тажрибалари ҳақида тушунчаларнинг замонавий кўринишларидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимизнинг бой тарихий-маънавий меросидан, тарихий обидалари, музейлардан фойдаланишга ҳам эътибор қаратиш керак. Фидойи инсонлар ҳаёти, дунёнинг ахборот майдонида бўлаётган ўзгаришлар, ОАВ, интернет маълумотлари ҳақида тўғри тушунчалар шакллантирилиши талабаларда тўғри хулосалар чиқара олиш кўникмаларини шакллантиришга замин яратиб беради. Ўқувчи-талабаларда мустақил фикрлай олиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган баҳс, мунозаралар мавзулари иложи борича ҳаёт билан боғлаб ташкил қилинса янада ижобий натижа беради.

Ҳозирги кунда ёшларнинг барчасини ҳуқуқий онги ва маданиятини юқори деб бўлмайди. Қонун-

ларни ёшлар томонидан англаш ва ҳаётда қўллаш олиш кўникмалари ҳозирча кўнгилдагидек эмас. Мавзуларни танлашда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, Конституция ва қонунлар тарғиботини ривожлантиришга қаратилганлигини эътиборга олиш лозим. Республикамизда бевосита фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашга қаратилган қонунлар қабул қилинган. Бу эса, ёшларнинг қонунлар тўғрисида билим ва кўникмаларини изчил ривожлантиришни талаб этади. Фуқаролик жамияти асосларининг пировард мақсади – инсон ҳаётини муайян маънавий маромларда мувофиқлаштириш, ҳар бир шахснинг инсоний потенциални юзага чиқаришдан иборатдир. Зеро, инсон омилини фаоллаштиришда кишиларнинг ҳуқуқий билимлигининг роли каттадир. Яъни, ҳуқуқий маданияти юксак бўлган жамият мустаҳкам бўлади ва миллат бирлиги кучаяди. «Бинобарин, – Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, – инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт» [1;2 б.].

Инсон омили, унинг жамият ҳаётида тутган ўрни, унинг Ватан равнақидаги иштироки хусусида гап борар экан, биз асрлар давомида бу муаммони метёрига етказиб ҳал этиб келётган буюк алломаларимизнинг илмий меросларидан фойдаланмоғимиз лозим. Масалан, Абу Райҳон Беруний (973–1051) нинг илмий меросида инсон муаммоси марказий ўринни эгаллаган. Беруний инсоннинг кадр-қимматини удуғлаган, инсонларнинг ишонч ва маъмурликлари фарқли эканлигига диққатни тортган, дунё маданияти такомилли шу ранг-баранглик натижасида бунёд этилганлигини тасдиқлаган [5;141 б.].

Алломамиз инсоннинг ички поклиги калити имон ва яхши ният эканлиги, ахлоқан гўзал бўлмоқ эса ҳар бир инсоннинг ўзига, унинг дидига боғлиқ эканлигини алоҳида қайд этган. Ҳолбуки, ҳар қандай жаҳолатдан инсонни маърифат қутқаради. Шунини ҳисобга олиб, ёшларга «Жаҳолатга қарши маърифат» тамойили моҳиятини тушунтириб бориш лозим. Ёшларга маънавий-ахлоқий ва маданий-маърифий ишларда диний экстремизм, терроризмга қарши курашнинг халқаро сиёсий-ҳуқуқий асослари тўғрисида тушунчалар бериб бориш учун диний-маърифий тарғибот ишларига устоз-мураббийларни кенг жалб этиш ва ёшлар тарбиясига таъсир этаётган ижобий (олий таълим муассасаси, маънавий-маърифий ишлар, ОАВ, оила, давлат

ва жамоатчилик ташкилотлари, санъат, маданият ва ҳ.к.) ва айрим салбий (диний экстремизм, терроризм мафкураси, миссионерлик, прозелитизм, лоқайдлик, бефарқлик, тарбиявий ишларда учраётган камчиликлар ва ҳ.к.) омиллар очиб берилиши, улардан огоҳлантириш зарур.

Ўзбекистон Республикасида дин масалаларига оид қонунлар қабул қилинган. Бу соҳада халқаро ҳужжатлар мавжуд. Виждон эркинлиги қонун билан кафолатланган. Диний экстремизмга йўл қўймаслик чораларини кўриш юзасидан тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада ёшларда қонунчилик асослари бўйича тушунчаларни шакллантириш долзарб вазифа сифатида тадбирлар мазмунига кiritилиши ва асосий эътибор Ўзбекистонда диний бағрикенгликнинг тарихий илдизлари ва ҳозирги даражаси ҳақида маълумотлар беришга қаратилиши мақсадга мувофиқ. Талабалар онгида мафкуравий иммунитетни (маънавий нуқтаи назардан) ҳосил қилиш жуда муҳимдир. «Токи улар миллий илдизлари бақувват, дунёни чуқур англайдиган, замон тараққиёти билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда жоҳил ақидапарастларнинг «даъвати» ҳам, ахлоқни рад этадиган, биз учун мутлақо бегона ғоялар ҳам уларга таъсирини ўтказма олмайди».

Шу билан бир қаторда талаба-ўқувчиларга маънавиятнинг қарор топиб боришида маданият ва диннинг ўрни, диний дунёқарашнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ва исломий қадриятлар, дунёқараш эркинлигини таъминлаш, шахсий фикр, мустақил мавқеининг шаклланиши ҳақида ҳам тушунчалар синдирилиши лозим. Бу борада, ёшларни огоҳлик ва ҳушёрлик руҳида тарбиялаш, ахлоқсизлик ғоясини ёйиб, халқни маънавий жиҳатдан бузишга интилаётган қора кучларга қарши курашда ёшлар фаоллигини ошириш бўйича ўтказиладиган диний-маърифий тадбирларга диний идоралар вакиллари жалб этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки ёшларни бегона мафкура: диний экстремизм ва терроризм мафкураси тазйиқларидан ҳимоя қилишда диншунос олимлар ва дин уламолари билан ҳамкорликда ишларни ташкил этиш самарали усул ҳисобланади.

Шунингдек, мамлакатимизда инсон саломатлигини асраш ва соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантириш устувор вазифага айланган. Соғлом турмуш тарзи ғояларини ёшлар ўртасида тарғиб этиш шакллари ва воситаларидан самарали фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш ва татбиқ этишга

эътибор қаратиш лозим. «Халқимиз генофондини мустаҳкамлаш мақсадида тиббий хизматлар сифатини яхшилаш ва кўламини кенгайтириш лозим. Нуфузли хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни кучайтириш керак. Келгуси йилда Россия, Жанубий Корея, Германия, Италия тиббиёт институтлари билан қўшма факультет ва филиаллар очиш бўйича амалий чораларни кўриш зарур» [1;1 б.].

Умуман олганда, шуни айтиш лозимки, маънавий-ахлоқий ва маданий юксалиш – таълим-тарбия, илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат, дин, маънавий-маърифий, спорт соҳаларида кенг акс этади. Шунинг учун таълим муассасаларида бу кўпроқ самарали бўлади. Юртимизда устоз ва шогирдлик – миллий тарбия анъанаси азалдан мавжуд. Шундай экан, таълим муассасаларида мавжуд гуруҳ мураббийлиги ва устоз-шогирдлик тизимларининг ўзига хос хусусиятларини ва уларнинг аниқ вазифаларини белгилаб олиш, шунингдек, профессор-ўқитувчиларнинг устоз сифатидаги маънавий бурч ва ҳуқуқлари ҳамда ўқувчи-талабанинг шогирд сифатидаги маънавий бурчлари ёритилиши керак.

Хуллас, маънавий-маърифий ишлар натижаларини сарҳисоб қилиш, эришилган ютуқларни ва камчиликларни аниқлаб, таҳлил қилиб бориш лозим. Маънавий-маърифий ишлар тизими режалаштирилиб амалга оширилса ва баҳоланса, истиқболдаги вазифаларни аниқ белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Mirziyoyev Sh.M. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti matbuot xizmati davlat rahbarining 2019 yil uchun mo'ljallangan eng muhim ustuvor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga murojaatnomasi. «Xalq so'zi» gazetasi, 2019 yil 28-dekabr.
2. Mirziyoyev SH.M. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. – Toshkent. «O'zbekiston». 2017 yil.
3. Komilova T. Millat tarbiyasi. Fan va turmush. 2000. № 1. 16-bet. (Preobrajenskiy K. Moskva.: 1986.)
4. Ziyo Ko'kalp. Haqiqiy jamiyatgina millatdir. // Turkchilik asoslari. «Dunyo». Fan va turmush kutubxonasi turkumidagi majmua. 1993. №1. 16–17-betlar.
5. De Gol va zamon. – Toshkent. Muloqot. 2001. №1. 46-bet.
6. Abu Rayhon Beruniy (973–1048) e-tarix.uz> shaxslar/141-MIRZO-ULUG'BEK.html